ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 57-58 (189-190) | 2000 йил 9 август, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

ҲАР КУНИНГИЗ ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ БИЛАН ТЎЛСИН

ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ўзбегимнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, унинг маҳалласига бор экан. Ҳа, табиий ҳолатда кашф этилган бу «дунё» хорижликларни ўзига жалб қилгани бежиз эмас албатта. Куни кеча Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши томонидан ҳар йили ўтказилиб келинаётган анъанавий «Маҳалла куни» тантаналарининг иштирокчиси бўлиб бунинг яна бир бор гувоҳи бўлдик.

2-саҳифада →

Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва республика телевиденеиси «Ёшлар» канали «Давр» кўрсатуви Бош таҳририяти ташаббуси билан футбол бўйича 14 ёшгача бўлган маҳалла ўсмирлари ўртасида «Футболимиз келажаги» кубоги ўйинлари республикамиз бўйлаб кенг тарқалди. Ҳозир пойтахтимиз Тошкентда туманлар мусобақаси ниҳоясига етиб, шаҳар биринчилиги старт олди. Кўплаб вилоятларда эса вилоят ғолиблари маълум бўлмоқда.

3-саҳифада →

МАЗМУН СОҲАСИНГ

2-саҳифасида:

- «Маҳалла куни» байрами қадриятларни жонлантирган тадбир бўлди.
- Қундуз Йўлдошева - пойтахтнинг энг ибратли қайнонаси.
- Халқимизнинг меҳнат-шижоати туфайли чўлу биёбон Гулистонга айланди.
- Малика туғди, бироқ, На ўғил, на қизалоқ.

3-саҳифасида:

- I-даражали диплом нега хижолат чектирди?
- Пахтаобод прокурори ёш авлоднинг маънавий баркамоллигини жисмоний тарбиядан бошлайди.
- «Маҳалла — 2000» футбол мусобақаси республика босқичига кўтарилди.
- «Юсуф ва Зулайхо»нинг Евгений ва Татяна ўртасида қандай муносабати бор?
- Оламда нима гап?

4-саҳифасида:

- Яхшилик қилган одамингдан камдан кам яхшилик қайтади. Худо бу яхшиликларингни бошқалар орқали қайтаради.
- Юсуф Товаслий ҳикматлари.
- Келинлик либосини сотган аёл ва имом Аъзам.
- Ақлнинг оғирлиги қанча? Уни ўлчаб кўришдан уялманг.
- «Пахтакор — 79» хотираси қалбларда.

● МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИДА

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Энг улуғ айём - Республикамиз Мустақиллигининг 9 йиллиги шарафига Янгиқўрғон туманида ҳам ўндан ортиқ иншоотлар қуриб, фойдаланишга топширилади. Ана шулардан бири туман марказида жойлашган Бешбулоқ маҳалласи ҳудудида барпо этилаётган «Шоҳруҳ» спорт мажмуасидир.

- Қарийб 3 гектар ерни эгаллайдиган мазкур мажмуа асосан ҳашар йўли билан барпо этилмоқда, - дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими ўринбосари Баҳодиржон Неъматов. - Қурилиш бош пудратчиси «Намангқурилиш»га қарашли Янгиқўрғон механизациялашган кўчма колонна ҳисоблансада, тумандаги жамоа ва ширкат хўжаликлари, халқ таълими бўлими, корхона ва ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамғармалар ҳам мажмуа қурилишига озмиқўпми ҳисса қўшмоқдалар.

Мажмуа ишга тушгач бу ерда бир йўла теннис, баскетбол, волейбол, футбол бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин. Мазкур беллашувларни 10 минг томошабин кузатиб боради. Мажмуа таркибидан шунингдек, икки қаватли бино ҳам ўрин олади. Унда кийиниш, ечиниш хоналари, ошхона, сауналардан тортиб, спорт жамоаларининг дам олиш хоналари ҳам барпо этилади.

ЯНГИ АСР БЕРУНИЙЛАРИ

Ўзбек маҳаллаларида тарбия топаётган болалар математика бўйича жаҳон олимпиадаси совриндорлари бўлишди.

Яқинда Сеулдан хизмат сафаридан қайтаётганимда кема саҳнида бир гуруҳ ўқувчиларга дуч келдим. Уларнинг ким экани, бу олис юртга «қайси шамол» учиргани билан қизиқдим.

1959 йилдан буён математика билимдонлари ўртасида халқаро олимпиада ўтказиб келинарди. Авваллари ушбу олимпиадада иштирок этиш юртдошларимиз учун амалга ошмайдиган орзу бўлиб қоларди. Чунки собиқ иттифоқ термаси сафидан жой олиш жуда мушкул экани ўз-ўзидан тушунарли. Мустақиллик шарофати туфайли халқаро олимпиадада Ўзбекистондан 1997 йил Аргентинада уч киши, 1999 йил Руминияда 6 киши, ниҳоят, бу йил Жанубий Кореяда 6 киши иштирок этди. Бу йил олимпиадада дунёдаги 85 давлатдан жами 500 га яқин ўқувчи ўзаро куч синашди.

Бухоро вилоят Қоракўл туманидаги 1-мактаб-интернат ўқувчилари Умиджон Раҳмонов ва Зулфиддин Зулфикамолов бронза медали билан тақдирланишди. Яна тўрт вакилимиз тўртинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Умиджон математикага қизиқишига асосий сабабчи ўқитувчиси Гулнора Жумаева эканини ифтихор ҳисси билан тилга олди.

Олимпиада иштирокчиларини саралаб олиш бир неча босқичда амалга оширилгач, юртимиз шарафини ҳимоя қилувчилар учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан бирга барча шарт-шароитни яратиб бергани диққатга сазовор. Фанлар Академиясининг Математика илмий-тадқиқот институти профессори Носир ака Ғаниҳўжаев ва шу институт кичик илмий ходими Шуҳрат Исмоилов иқтидорли ўқувчиларимизни масъулиятли синовларга мукаммал тайёргарлик кўришлари учун жуда кўп машғулотлар ўтказишди. Айнан мана шу мутахассислар сафарда ҳам командамизга раҳбарлик қилишди.

Шуҳратжон терма команда сафидан Бухоро вилояти Қоракўл туманидан бирйўла уч ўқувчи жой олгани бежиз эмаслигини, 1-мактаб-интернат олимпиада жамоамизнинг ўзига хос базаси эканини таъкидлади.

Дарвоқе, оммавий ахборот воситаларида халқаро математика олимпиадаларида ватандошларимиз ғолиб чиққани ҳақида хабарлар берилган. Аммо халқаро олимпиадалар кўп, вакилларимиз ҳозир совриндор бўлган мусобақа эса ЮНЕСКО тасарруфида ўтказилади ва нуфузи бўйича ўзига хос жаҳон чемпионати эканини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.



Суратда: "O"zbekiston havo yo'llari" кемаси саҳнида Сеулдан қайтаётган Умиджон Раҳмонов ва Шуҳрат Исмоилов.

Қоракалпоғистон

ОВУЛ УНИНГ ОРТИДАН ЭРГАШАДИ

...Амударё туманидаги мавжуд 22 та овул фуқаролар йиғинларини бошқараётганларнинг аксар кўпчилиги 50 ёшга тўлмаган бўлса ҳам уларга «Оқсоқол» деб мурожаат қилинади.

Ўрта қалъа овул фуқаролар йиғини раиси эндигина 45 ёшни қаршилаётган йигит Оллаёр Каримов ҳам «Оқсоқол» номига, мана 3 йилдирки, кўникиб қолди. Ўшанда у «Қорақалпоқағроқурилиш» бошқармасига қарашли 498-кўчма механизациялашган жамланма бош мухандиси бўлиб ишлаётган эди. Овулдошлари унга юксак ишонч билдириб, Ўрта қалъа овул фуқаролар йиғинига оқсоқол қилиб сайлашди. Овул ҳудуди анчагина катта: Манғит, Амударё ширкат ва жамоа хўжаликлари ҳамда Юсуфхўжа фермер хўжаликлари, 7 та маҳалла жойлашган. Энди Оллоёр оқсоқол 1380 хонадондаги 8 минг аҳоли осойишта ҳаёт кечириши учун масъул.

Овулда фермерлар ҳаракати авж олишида ҳам оқсоқолнинг ҳиссаси бор. Ҳозир Эрлапас, Турсунбой, Иброҳим бобо каби ўнлаб фермерлар ўз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан мамлакат мустақиллигига армуғон сифатида муносиб тўёна ҳозирлаяпти.

Овул фуқаролар йиғини ҳудудида томорқалардан омилкорлик билан фойдаланишда оқсоқол Оллоёр шахсий намуна кўрсатмоқда. У ўзининг ва қўшниларининг томорқаларидан мўл-кўл ҳосил олиши, хонадонларнинг саранжом-саришта бўлишига доимо эътибор берди.

... Куни кеча овул фуқаролар йиғинида бўлганимизда Ўрта қалъалик оқсоқол Оллоёр ва ўн кишидан иборат комиссия аъзолари, маҳаллалар фаоллари мустақилликнинг 9 йиллик байрамига қизғин тайёргарлик кўраётган экан.

А.ИСКАНДАРОВ, «Mahalla» мухбири.

Маҳаллада тадбир

ВАЗИЯТ БАРҚАРОРЛАШТИРИЛАДИ

Хабар қилинганидек, август ойининг бошларида Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегарадош тоғли ҳудудларида нотинч вазият вужудга келди. Юзга яқин террорчи Тожикистон орқали Ўзбекистон ҳудудига бостириб кирди. Хабарларга кўра, босқинчилар Афғонистонда махсус тайёргарлик машқларини ўтаган. Уларнинг мақсади юртимизда қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш, наркотик ва қуролярог олиб ўтиш учун йўл очиш, шу билан нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорликка путур етказишдан иборат.

Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида мазкур воқеа муносабати билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов ва ташқи ишлар вазири А.Комилов қатнашди.

Анжуманда таъкидланганидек, айни чоғда чегарани бузган террорчи гуруҳлар Ўзбекистон ҳарбийлари томонидан қуршаб олинган. Босқинчиларни йўқотишда Тожикистон чегарачилари ҳам уларга яқиндан кўмак бераяпти.

Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё ва Узун туманларининг ҳаракатланиш қийин бўлган тоғли ҳудудларида террорчиларга қарши курашиш осон эмас. Шунга қарамай, жангарларнинг даралар ва табиий ғорларда писиб юриши узоққа чўзилмайди. Майда гуруҳларга бўлиниб ҳаракат қилаётган бўлса-да, террорчиларнинг ҳар бир ҳаракати қатъий назорат остида турибди. Таъкидланганидек, улар қуршовга олинган. Босқинчи тўдаларни бутунлай йўқ қилиб ташлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Чегара қўшинлари, Ички қўшинлари, шунингдек, Мудофаа вазирлиги бўлинмалари жалб этилган. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири шуни таъкидлар экан, жангарилар тез орада бутунлай йўқотилади ва вазият барқарорлаштирилади, босқинчиларга қарши ўтказилаётган операция ҳозир айни авж палласига кирди, деди.

Террорчилар билан Ўзбекистон ҳарбийлари ўртасида қуролли тўқнашув юз бергани маълум. Жангчиларимиз орасида қурбонлар бор. Лекин аҳолига зарар етгани йўқ. Улар хавфсиз жойга кўчирилган.

ЎзА.

● ЎЗ МАВЗУМИЗДА

«MAHALLA»НИНГ КЎМАГИ ЗАРУР ЭМАСМИ?

ёхуд бир маҳалла фуқаролар йиғини раиси изтироблари

Термиз шаҳридаги Гулистон маҳалла фуқаролар йиғинига етти йилдирки, Бекмурод Ашуров раислик қилиб келади. Айни пайтда у киши ўриндошлик йўли билан Термиз Давлат университетида ҳам ишлайди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Бекмурод ака «Ўзбекистонда адолатли ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини қуришда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва роли» мавзуидаги илмий ишини якунлаш арафасида турибди. Ҳамма ишлари яхши-ю, лекин маҳалла фуқаролар йиғинидаги «об-ҳаво»дан гап сўрасангиз, билингки, раиснинг ярасини тирнаган бўласиз.

- Газетага бемалол ёзаверсангиз бўлади - Термиз шаҳридаги 19 та маҳалланинг кўпида ўзининг биноси, иш жойи йўқ. Тўғри, «Маърифат» маҳалла фуқаролар йиғини яқинда вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг эски биносига ўрнашишди. Қолганлар унинг-бунинг пинжида жон сақлаб юришибди. Биргина бизнинг маҳалла фуқаролар йиғинини олайлик. Жой излаб-излаб, Термиз иқтисодиёт коллежидан катакдеккина хона олгандик. Чунки коллеж маҳалламиз ҳудудида эди-да. Хона тор бўлса ҳам сабр билан уч-тўрт киши тиқилиб ишлайвердик. Лекин коллеж директори бизга тинчлик бермади. Ҳар куни келиб «Жой топинглар, хонани бўшатинглар!» дейди. Бораргa эса жойимиз йўқ. 1999 йилнинг июл ойида Термиз шаҳрининг собиқ ҳокими Хурсан Умаров келиб, хонадаги ҳамма нарсамизни ташқарига чиқариб отди. «Ҳоким бува, сиз у ердан қувиб солаяпсиз, энди қаерга бориб ишлайлик?» дедим. Шунда у киши «Ҳужжатларни уйингга олиб бор, одамларни ҳам ўша ерда қабул қил!» деди. Шундай бўлди ҳам. Маҳалланинг барча ҳужжатларини уйимга олиб бордим. Келганкетганни уйимда қабул қилдим.

- Ишхонангиз ҳозир ҳам уйдами? - сўрадик Бекмурод акадан.

- Йўқ, ҳозирча вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси биносидан кичкина бир хонани олиб, шу ерда қўним топиб турибмиз. Иш жойимиз барибир омонат. Бизни эрта ёки индин бу ердан ҳам чиқариб юборишлари мумкин. Ҳолбуки давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонунга асосан туман, шаҳар ҳокимликлари маҳаллаларни қўллаб-қувватлашлари лозим. Бизда эса акси бўлаяпти. Бизнинг 4200 нафар аҳоли яшайдиган маҳалламизда на гузар, на бирон бир чойхона, дўкон, маиший хизмат жойлари бор.

- Маҳаллаларда, бевосита аҳоли орасида қандай муаммолар йиғилиб қолган?

- Тўғриси, аҳолини қийнаётган масала ҳам уй-жой билан боғлиқ.

Шундай оилалар борки, бир ҳовлида уч-тўрт рўзғор тиқилиб яшашади. Термиз шаҳар ҳокимлиги эса уй қуриш учун ерни фақат эҳтиёжи бўлмаганларга тақсимлашдан чарчамайди. Ким яшаш жойига муҳтож, кимлар тор жойда тиқилиб, қийналиб қолаяпти, буни менимча ҳокимиятдагилардан кўра маҳалла фуқаролар йиғини, оқсоқоллар яхши билишса керак. Аммо амалда уларга ҳеч ким қулоқ тутмаётир. Маҳалла билан ҳеч ким ҳисоблашмайди. Маҳалла фуқаролар йиғинига етарли ваколатлар берилмаган.

Суҳбат асносида мен Бекмурод аканинг жўяли таклиф-мулоҳазаларини тингларканман, Гулистон маҳалласидагилар, хусусан, унинг оқсоқоли шу кунларда қандай газета-журналларни ўқишаётганлиги билан қизиқдим.

- Э, биродар, обунага пул қаерда, - дарди зиёда бўлди Бекмурод аканинг, - ишлаб туришга яхшироқ жойимиз бўлмай турган бир пайтда газета-журнал обунасига иложи қилармидик. Тўғри, 1999 йилда «Сурхон тонги» ва «Mahalla» газеталарига обуна бўлган эдик. 2000 йилда эса ҳеч бир иложини қилолмадик.

- Агар хабарингиз бўлса, Оқсоқоллар Кенгашининг Низоми газетада эълон қилинган эди?, - сўрайман у кишидан.

- Қайсидир газетада чиққан деб эшитаман, лекин ўзим кўрганим йўқ, - дейди беозоргина Бекмурод ака.

- Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Қабрларни зиёрат қилиш одоби ҳақида Фатво»си газетада эълон қилинди, балки кўзингиз тушгандир?

- Қаранг, қандай яхши экан, маҳалладагилар ўқишса, фойдали бўларкан, - дейди таассуф билан Бекмурод ака.

Шубҳасиз бу одам газетада босилган маҳалла болалари футболи ҳақидаги Низомдан, турли янгилик ва хабарлардан ҳам бенасиб.

Агар ўтган йилнинг охирида «Mahalla» газетасига обуна бўлганларингизда эди, мен юқорида айтганларни албатта ўқиган, хабар топган бўлардингиз, деб айтдим. Умуман ҳозир Сурхондарё вилояти бўйича 75-80 дона атрофида «Mahalla» газетаси бормоқда. Бу катта бир вилоят учун озми, ёки кўпми, балки буни сурхондарёлик маҳалладошлар айтишар?

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ, Сурхондарё.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82, Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

ТОШКЕНТДА «МАҲАЛЛА КУНИ»

Боғнинг қайси бурчагида бўлманг дастурхон узра маҳаллам-кўйим деб юрган жонкуярларни учратасиз. Шунингдек анъанавий байрамда кўплаб чет эллик меҳмонларнинг ҳам иштирок этишлари байрамнинг йилдан-йилга нуфузи ошиб бораётганидан далолатдир.

Байрамнинг табрик қисмига тўхталар эканмиз, унда Тошкент шаҳар ҳокимининг муовини Рихситилла Акромов сўз олиб, шаҳарнинг 445 маҳалласидан қатнашаётган барча оқсоқоллару маҳалла фаолларини байрам билан табриклаб, байрам дастурхонини очиқ деб эълон қилди.

Шундан сўнг ташкилий қўмита томонидан тавсия этилган барча номинациялар бўйича танлов ғолиблари эълон қилинди ва қимматбаҳо совғалар ўз эгаларига топширилди. Тошкент шаҳрининг энг намунали маҳалла оқсоқоли, Гран при совринига С.Раҳимов туман Чиғатой оқ тепа маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Мўминов сазовор бўлди.

Шунингдек, «Намунали маҳалла оқсоқоли», «Намунали маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раисаси», «Ибратли қайнона», «Ибратли маҳалла посбони» сингари мезонлар бўйича шаҳар ғолиблари аниқланди.

- Биз учун анъанавий тусга айланиб қолган «Маҳалла куни» байрами ҳам тантаналилиги, ҳам масъулияти юки билан алоҳида қадр-қимматга эга, - дейди Сирғали туман Қўшқўрғон маҳалласи фуқаролар йиғини котиби Абдусаттор Султонов. - Мисли кўрилмаган шиддат билан ўзгариб бораётган жамият унинг ҳар бир аъзосидан давр билан ҳамнафас қадам ташлашни талаб қилаётир. Маҳаллаларда ўтказилаётган ушбу беллашув ва кўрик-танловлар эса ҳар бир фуқарони жамоат ишида фаол бўлишга, ўз иқтидор ва туғма истеъдодини намойиш этишга ундайди. Шу кунгача Сирғали тумани бўйича ўтказилган «Энг ибратли қайнона» танловининг биринчи совриндори сифатида ғурурланиб юрган эдик, бугунги шаҳар беллашувида «ибратли қайнона»миз Қундузхон Йўлдошева пойтахтда ҳам етакчи ўринда эканлигимизни исботлаб берди. Бундан ифтихор қилмаса бўладими?!

Албатта, фуқаролар орасида уюштирилаётган бундай «мусобақа»лар қайсидир маънода ўта рамзий, ўта нисбий аҳамиятга эгадир. Лекин, ташкил этилганига эндигина бир йилдан ошган ва қисқа вақт ичида ўз жасорат ҳамда зийраклигини кўрсата олган посбонлар ўртасида ҳам шундай танловлар ўтказиш, ўтказишгина эмас, улар орасидан ибратлиларини ажрата олиш жамиятимиз учун катта ютуқдир.

Жамоатчилик фикри асосан оммавий ахборот воситалари, демакки, журналистлар меҳнати эвазига шаклланади. Давлат ва жамият ҳаётида фаолроқ бўлиш учун «старт» олган «Маҳалла» жамғармаси ёки Оқсоқоллар Кенгашининг иши ҳам агар журналистлар томонидан кенг ва тезкор ёритилмаганида бу қадар нуфузга қисқа вақт ичида эришиши душвор эди. Шу тамойилни тўғри ҳис этган шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши республикамизда фаолият кўрсатаётган, маҳалла ҳаётини турли даражада ёритаётган қатор журналист ҳамкасбларни ҳам совғалар билан тақдирлади. Ҳамкасбларимиз орасида республиканинг нуфузли газеталарида ишлаётган мухбирлардан тортиб, ахборот агентлиги, радио ва телевидение журналистларигача бор.

Байрамлар ўз йўлига. Лекин байрамдан бошқа кунлардачи? Шу саволни биз пинҳона ўзимизга бериб кўрдик. Албатта, байрамдан бошқа кунлар - фуқаролар ҳуқуқий кафолати, давлат ҳокимият органларидан олинадиган ваколатлар, муносиб фаровон ҳаёт - буларнинг барчасини ўзини ўзи бошқариш органлари босқичма-босқич ўз қўлларига олишлари керак. Шундай бўлади ҳам.

Аслиддин БЎРИЕВ,
Нодир АЛИМОВ,
«Mahalla» мухбирлари.

Ўзбегимнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, унинг маҳалласига бор экан. Ҳа, табиий ҳолатда кашф этилган бу «дунё» хорижликларни ўзига жалб қилгани бежиз эмас албатта. Куни кеча Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши томонидан ҳар йили ўтказилиб келинаётган анъанавий «Маҳалла куни» тантаналарининг иштирокчиси бўлиб бунинг яна бир бор гувоҳи бўлдик.

Суратлар муаллифи Бурхон РИЗОҚУЛОВ.

ҚАЙНОНА — ҚАНДАЙ ОНА?

Мана бир неча йилдирки, республика миқёсида «Ибратли қайнона» кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланган. Бугун барча саъй-ҳаракатларимиз, имкониятларимиз келажак авлоднинг соғлом, баркамол тарбияланишига қаратилганлиги сир эмас.

5 август куни Тошкентнинг энг сўлим сайлгоҳларидан бири Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида анъанавий «Маҳалла куни» тантаналари дастуридан ўрин олган «Ибратли қайнона» кўрик-танловида 11 нафар «мана-ман» деган қайноналар беллашдилар. Ҳайъат аъзолари бироз мушкул аҳволда қолдилар. Чунки 11 нафар оқила, сергайрат, энг муҳими, қўша-қўша келину набиралари қўллаб-қувватлаб турган иштирокчилардан айнан бирини танлаш осон эмасди. Танлов шартига биноан Сирғали туман босқичи ғолибаси Қундуз Йўлдошева шаҳар биринчилигига сазовор бўлган бўлсада-да, шубҳасиз, қатнашчиларнинг ҳар бири ғолибликка лойиқ эдилар.

Табиийки, биз ибратли қайнона билан яқинроқ танишишга ошиқдик. У киши пойтахтнинг Сирғали туман 268-мактабида қарийб 33 йил тарих, ҳуқуқшунослик фанидан дарс берган, муаллимлик касбини улуғлаган инсон экан. Тўрт ўғил, уч нафар келиннинг меҳрибон онаси. Жондан азизлари - 10 нафар набираси бор. Ҳозир пенсияда, Қўшқўрғон маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси.

- Келинчакларимиз оилавий ҳаёт бўсағасида ўзларини имтиҳон топшираётгандек ҳис қиладилар. Аслида қайнона бўлиш ҳам катта бир синовдан ўтишдан иборат. Агар келинчак - бир боғдан бошқа боққа кўчирилган ниҳол бўлса, қайнона шу ниҳолнинг ўсиб-униб кетишини зиммасига олган миришкор боғбон бўла олиши керак. Айримлар қайнона-келин муносабатларини турмушнинг майда-чуйда ташвишларига йўйишади. Аслида ана шу майда-чуйда ташвишлар оила қўрғонига палаҳмон тошидек зарба бериши ҳаётда кўп синалган. Айниқса, ажралишлар бир мунча кўпайган ҳозирги кунда биз, қайноналар, ёш оилаларга тиргак бўлишимиз керак, чамамда, - дедилар Қундуз опа қуйинчаклик билан.

Албатта, беш қўл баробар эмас, бу хусусда ҳар кимнинг ўз мушоҳадаси бор. Биз қанчалик одил баҳолашга уринмайлик, тўрт девор ичида ўтгани бизга қоронғу. Шу билан бирга айтиш керакки, тўрт девор қанчалик баланд ёки қалин бўлмасин ҳар бир оиладаги муҳит, «об-ҳаво» унинг аъзолари чеҳрасида, юриш-туришида акс этиб туради.

Ибрат этиб кўз-кўз қилса арзийдиган қайноналар жуда кўп, улар учун фарзандлари, набираларининг дуосини қилиб, саодатини кўриб юришдан улкан бахт йўқ.

Ривоят қилишларича, жаннат ичра энг яхши қайнонага аталган тахтиравон бор эмиш. Маҳшар куни дунё яралгандан буён қайноналик гаштини суриш насиб этганларнинг энг аълоси унга ўтқизилармиш...

Ҳаётнинг исботланган ҳақиқати шуки, оналар дунё яралгандан бери оила шамчироғи, чароғбони ҳисобланадилар ва бу вазифа дунё тургунча уларнинг зиммасида бўлади.

Мавлуда ҚОСИМОВА.
Суратда: шаҳарнинг «Ибратли қайнона»си Қ.Йўлдошева (ўртада) эгачилари билан бирга.

● МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 9 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Косимжон АКБАРОВ,
Гулистон шаҳар ҳокими

ХАЛҚ ЎЗИГА МУНОСИБ ШАРОИТЛАРДА УМРГУЗАРОНЛИК ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистонимизнинг тупроғини мўъжизалар ярата оладиган заминга қиёслашади. Унга чўп қадасанг кўкариб мева беради.

Бунёд бўлганига ҳали қирқ йил тўлмаган Гулистон шаҳри эса юқоридаги фикримизни тасдиқлайди: бир вақтлар чўлу биёбондан иборат бўлган ҳудуд бугунги кунда гулистонга айланди. Гулистон бўлди. Шаҳримиз айниқса, мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган даражада чирой очди. Ундаги маъмурий бинолар, кенг кўчалар, замонавий дам олиш гўшалари, ижтимоий инфратузилмаларни бемалол тараққий этган мамлакат иншоотлари билан муқояса қилса бўлади. Шаҳарда бугунги кунда Бокс саройи, Алпомиш спорт мажмуи, замонавий кўринишдаги банк бинолари, автокемпинг, улгуржи савдо бозори, гўзал «Гулистон» меҳмонхонаси қад кўтарди.

Сўнгги уч йил ичида Гулистонда 19360 квадрат метр майдонлик кўп қаватли турар-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аҳоли кўп бўлган жойда, шубҳасизки, ижтимоий шарт-шароитлар ҳам яхшилана бошлайди. Чунончи, шаҳарнинг бир қанча кўчалари кенгайтирилди, хусусан Тошкент - Гулистон йўли тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, янги бекатлар барпо этилди. Шаҳарда техника-технология, автотранспорт кўпайгандан кейин эса унинг табиатини сақлаб қолиш, экологик ҳолатини яхшилаш масаласи ўзининг ҳал этилишини талаб этади. Бу борада ҳам муайян ишлар қилиниб, шаҳарда 2,5 миллион сўмлик манзарали дарахтлар, 3,0 миллион сўмлик арча ва юз минг сўмдан зиёд маблағ эвазига манзарали гул кўчатлари ўтқазилди.

Гулистонда иқтисодий соҳада, саноат ривожланишида, халқ таълими жабҳасида ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўнлаб қўшма корхона, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатиб, маҳаллий бюджетни шакллантиришга ҳисса қўшмоқдалар. Шаҳарнинг иқтисодий-молиявий ривожланиши ҳақидаги мулоҳазаларимизни қисқароқ қилиб, кўпроқ ижтимоий жабҳадаги ислоҳотлар борасида фикр юритадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, жойларда маҳаллаларнинг кўча қисмларини таъмирлаш, бу билан аҳолига қулай шароитлар яратиш ишига алоҳида саъй-гайрат кўрсатилмоқда. Шаҳарликлар ободончилигини таъминлаш мақсадида газ қувурлари, сув қувурлари ётқизилди. Тўртинчи мавзеда 220 ўринли 22 та савдо дўкони ҳамда ёпиқ бозор қуриб битказилди. 2880 метр квадратлик 10 та коттежд, шаҳар болалар поликлиникаси, шаҳар касалхонаси, 4 та «Оталар чойхонаси», Дўстлик кўрғонидаги 70 та ташрифга мўлжалланган қишлоқ шифокорлик пункти эса Мустақиллик байрами арафасида ишга тушиши режалаштирилаяпти.

Марказий шаҳарлар барча вилоятларнинг кўзгуси, сардори ҳисобланади. Марказий шаҳар орқали кишиларда вилоят ҳақидаги дастлабки тасаввур, илк таассуротлар шаклланади. Ана шу маънода Гулистон шаҳри олдида ҳам ўзига хос масъулият, Сирдарёдек ажиб ва такрорланмас вилоятнинг кўзгуси бўлишдек шарафли «вазифа» турибди. Ўйлайманки, 74 минглик аҳолининг меҳнат шижоати, фидокорона фаолияти туфайли шаҳримиз вилоятнинг, нафақат вилоятнинг, балки мамлакатимизнинг нуфузини сақлаб келишда ўз ҳиссасини қўшаётир. Одамларга муносиб турмуш тарзи, керакли шарт-шароитлар яратиб беришда эса ҳокимлик вакилларининг ҳам камарбасталиги бор.

● 2000 ЙИЛ — «СОҒЛОМ АВЛОД» ЙИЛИ

Оксокол даъвати

Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан олға сурилган «Соғлом авлод» давлат дастури бизнинг Гузарбоши маҳалла фуқаролар йиғини ва хотин-қизлар кенгаши фаолиятида асосий йўналишдан бирига айланган.

ҚАРИНДОШ НАСЛДАН

Маълумки, ушбу давлат дастурида соғлом оилани шакллантириш, унда юксак маънавий-ахлоқий муҳитни ривожлантириш, соғлом фарзанд туғилиши ҳамда тарбияланишига эътиборни кучайтиришга, болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама камол топишларида жамият, оила, қолаверса, маҳалланинг аҳамиятини кучайтиришга алоҳида эътибор берилган. Биз маҳалламизда ушбу дастур асосида «Соғлом авлод учун» деб номланган комиссия тузганмиз. Унга Мунира Раҳимова бошчилик қилади. Мазкур комиссия аъзолари маҳалламиз аҳолиси ўртасида қони бир-бирига яқин бўлган қиз ва йигитлар оила қуришларининг олдини олишга, умуман, яқин қариндошларнинг қуда-андачилиги уларнинг оилавий муносабатларидан ташқари туғилажак фарзандларга - келажак авлод тақдирига қандай салбий таъсир кўрсатишини ҳамда домла-имомлар бундай никоҳларга оқ фотиҳа бермасликлари кераклигини, ҳозирги давр тиббиёти ҳам бундай никоҳлар кўнгилсиз оқибатларни келтиришини таъкидлаётгани борасида тушунтириш ишлари олиб бораяптилар. Яқинда «Соғлом авлод учун» комиссия аъзолари хотин-қизлар кенгаши кўмагида маҳалламиз хонадонларида таҳлил ўтказганда, уларнинг айримларида қони яқин бўлган йигит ва қизларнинг оила қуриб яшаётганликлари, бу оилаларда фарзандлар туғилиб, улғаяётгани маълум бўлди. Ҳеч ким бундай оилаларда соғлом фарзанд туғилади, деб кафолат беролмайди. Ўйлайманки, ушбу нозик соҳада амалга оширишимиз зарур бўлган ишлар шу билан якун топмайди. Балки, аксинча, бизнинг олдимизда юқорида тилга олинган оилалар маҳалламиз хонадонларида такрор пайдо бўлишининг олдини олишдек янада муҳимроқ вазифалар турибди.

Маълумки, халқимиз орасида совчилик удуми ҳамон давом этиб келмоқда. Ота-боболаримиздан қолган бу удум, чамамда, яқин келажакда барҳам топмаса керак. Мен унинг ижобий томонлари борлигини асло инкор қилмоқчи эмасман. Балки, бўлажак соғлом оилаларнинг навқирон соҳиба ва соҳиблари бир-бирларини ўқув юртларида, моддий ишлаб чиқарищ ва маданий-маърифий жабҳаларда топишиб, танишиб олиши асосида бунёдга келиши мақсадга мувофиқ бўлишини айтмоқчиман, холос. Биз маҳалламизга келинликка қиз йўқлаб ташриф буюрадиган совчиларга асло қарши эмасмиз. Фақат бу қадрдон удумимизни янги давримиз руҳига мослаб, мақсадга мувофиқроқ тарзда амалга оширишни таклиф қиламиз.

Умуман, яқин қариндошларнинг қуда бўлишлари турмушимизга шунчалик сингиб кетган-ки, бу салбий одатни битта комиссия фаолияти ёки тушунтириш ишлари билан тугатиб бўлмаса керак. Бу ўринда қариндошдан қуда қилишга жазм этган ота-оналарнинг фарзандлари, бўлажак набиралари тақдири олдидаги масъулиятни ҳис этишлари, оила қураётган ёшларнинг ҳаётга нечоғли жиддий муносабатда бўлишлари кўп жиҳатдан муҳимдир.

Ҳар томонлама баркамол соғлом авлод фақатгина жамият, давлатимиз равнақи учун эмас, аввало ўзимиз - ана шу авлоднинг ота-оналари бахт-саодати учун керак. Зеро, авлодимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғломлиги келажагимизнинг ёрқинлигини таъминлайди.

Турсунхўжа ЭРГАШЕВ,
Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани Гузарбоши маҳалласи раиси.

Малика туғди, бироқ На ўғил, на қизалоқ...

Халқ достонидан

ҚУДАЛИК — ЖУДОЛИК

● ХОТИРА

«ПРОФЕССИОНАЛ» ОҚСОҚОЛ ЭДИ

«Mahalla» газетаси ўзининг бир нечта сонида «Оқсоқол у қандай одам бўлиши керак?» рукни остида қатор мақолалар, мулоҳазалар, муносабат ва тавсияларни чоп этиб борди. Шу сингари саволларни ўзимга берар эканман, маҳалла оқсоқоли пойтахтнинг Ҳамза туманидаги Иноғом Юнусов маҳалласида яшаб, фаолият кўрсатган ажойиб инсон, аҳолининг бошини қовуштира олган марҳум раислардан бири Жўра ота Тожиев фаолияти мисолида ҳам ҳақиқий оқсоқолни ҳис қиламан.



Жўра Тожиев 1900 йилда Тошкентда таваллуд топган. Ота-онасидан эрта етим қолгач, амакиси Тошкентбой отанинг қўлида катта бўлади.

Ўша пайтлар Чирчиқ дарёсини қазиб тош ташишга жалб этилган юзлаб-минглаб ёшлар қатори Жўра ота ҳам йўл қурилишда ишлади. Ўртоқлари қатори ўша йили «рабфак»ка ўқишга кириб, кичик савдо билан шуғулланди. Бир неча йил Қорасув қишлоқ кенгашида раислик қилди. 1935 йилда Гулистон колхозини ташкил қилган ва шу колхозга ўзи раҳбар бўлганди. Тош ташувчилар артелини тузган чоғларида маҳалладошларини иш билан таъминлади. Қўлоёғи бутун бўлиб тиланчилик қилиб юрган шаҳар четида яшайдиган лўлиларни ҳам ҳалол меҳнатга тортди. Икки йил деганда Гулистон энг илғор колхозга айланди.

1939 йилда қишлоқ матлубот жамияти раиси, кейинроқ туман саноат комбинати директори бўлиб ишлаган Жўра ота қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш учун маиший хизмат кўрсатувчи цех ва устахоналар очди.

Кўплаб ўзбеклар қатори Жўра ота Фарғона канали қурилишида ҳам иштирок этган. У энг қувватга тўлган ёшда иккинчи жаҳон уруши бошланди.

Қозоғистон чўлларида ҳарбий тайёргарликда бўлди. Яйдоқ чўл, қамиш томли ёғоч уйлар, совуқ жон-жонингдан ўтади. Бутун аъзои-бадани тер бўлиб оқаётган Жўра бир неча кун совуқ уйда иситмаси 40 дан ошиб алаҳсираб ётди. Ҳарбий врачлар уни тирик қолиши гумон деб санитар поездида уйга қайтаришади. Жўра ака Аллоҳнинг каромати ила тирик қолди. Чунки бу касаллик минглаб одамларнинг ёстиғини қуритмоқда эди.

Жўра ота ҳали яхши даволанмай туриб ишга чиқиб кетди. Унинг зиммасида вилоят чорва фермаларига раҳбарлик юкланди. Ғалаба учун қурол-яроқ қанчалик керак бўлса, озиқ-овқат ҳам шунчалик зарур эди. У молларни боқиб фронтга гўшт жўнатишни ташкил этди. Ўзи жўжабирдай жон бўлишига қарамай, Россиядан эвакуация қилинган етим болаларнинг ҳам қорнини тўйдиришни ўйлаши керак эди. Жўра ота оғир йилларни ўз кўзи билан кўрди. Очарчилик, қаҳатчилик одамларни юҳодек ютар эди. Нуринисо, Туробжон, Турсуной, Одилжон, рус қизи Дора каби етим болалар унинг болалари сифатида қўшилиб, катта бўла бошлади. Жўра ота Тожиев маҳалласида тикувчилик артелини очди. Уруш йилларида касалликнинг олдини олиш учун совун зарур эди.

Шунинг учун Жўра ота Тожиев совун тайёрлаш мутахассисларини излаб топди. Маҳалладошлари, қариндош-уруғи, фарзандлар учун бу совун цехи ғалабага бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Халқ меҳнату ғайрат билан овора бўлиб, ғалаба кунларига ҳам етишиб келди.

Урушдан кейин Жўра Тожиев озиқ-овқат артелини тузди, кейинроқ бориб маҳалласида сантехускуна заводини ишга туширди. У ўзи турган маҳаллага тоза ичимлик суви олиб келишнинг ташкилотчиси бўлди. Хонадонларни газлаштиришга бош-қош бўлди. Чойхона қурдириб маҳаллага узоқ йиллар раислик қилди. Ҳозирги кунларда ҳаёт бўлганида ёшлари юзга тўлган бўларди. Дарвоқе, Жўра ота ўлмаган, у орамизда мангу тирик - унинг ишлари барҳаёт.

ЯХШИЛАР ЎЛМАЙДИ

Чинорлар қулайди, чўллар йўқолар,
Ёмғирлар ўзгарар, селлар йўқолар,
Эл назар қилмаса йўқлар йўқолар,
Яраттан билади, бандаси билмайди.
Яхшилар ўлмайди.

Дунё бир камлигин билиб яшаймиз,
Гоҳ ўксик дилларни тилиб яшаймиз,
Оллоҳга шукурлар қилиб яшаймиз,
Яраттан билади, бандаси билмайди,
Яхшилар ўлмайди.

Эзгу ишдан дилда малҳам қоладур,
Эзгулик йўқ дилда ситам қоладир,
Яхшидан яхшилик - байрам қоладир,
Яраттан билади, бандаси билмайди,
Яхшилар ўлмайди.

Учқун тулпорларнинг қаноти бордир,
Шеъримда Оллоҳнинг ояти бордир,
Оналарнинг тонгги нияти бордир,
Яраттан билади, бандаси билмайди,
Яхшилар ўлмайди.

Зулфия МЎМИНОВА.

САХОВАТПЕШАЛИК — ҚАЛБ АМРИ

Ҳозирги бозор шароитида «янги руслар», «замонавий арманлар» деган атамалар пайдо бўлиб қолаяпти. Мазкур миллат вакилларининг янги авлоди қандай маънавий-ахлоқий қиёфага эга, билмайману, лекин давр тақозоси билан жамиятимизда шаклланаётган «янги ўзбеклар», лўндасини айтганда, бой ва давлатманд ўзбек биринчи навбатда ўз яқинларига, маҳалладошларига қайишмоқдалар. Буни мен тўлиқ кафолат билан айта оламан.

Бойсун туманидаги Работ маҳалласида қорамол етиштиришга ихтисослашган «Емчи» фермер хўжалиги қисқа давр ичида улкан иқтисодий муваффақиятларни қўлга киритди. Унинг раҳбари Нормурод Алланазаров ғайратли чиқиб қолди. Фермер хўжалигида ҳозирги кунда 246 бош қорамол боқиляпти. Шулардан 145 таси соғин сигир. Пухта бизнес-режа асосида иш бошлаган фермер давлат хўжалигидан 150 гектар ер олиб, ўзлаштирди. 70 гектар майдонга галла, 70 гектарга озуқабоп экинлар экди. 5 гектар ердан лавлаги ҳосили кўтарилди.

Хўжаликда меҳнат қилаётган С.Нодиров, А.Пардаев, З.Бобоева, Р.Давлатовалар шу маҳалланинг ўзида яшаб, шу ернинг ўзида иш билан таъминланишган. Ўтган йили фермер хўжалигида 218 тонна сут соғиб олиниб, 110 тоннага яқин сут қайта ишланди. Қаймоқ, сариёғ тайёрланди. Қабул пунктига ўн бир тонна гўшт топширилди. Йил сарҳисоб қилинганда, хўжаликнинг 2 миллион 605 минг сўм соф фойда қилгани маълум бўлди.

- Нормуроджоннинг иқтисодий муваффақиятлари ижтимоий жабҳада ҳам ўз аксини топмоқда, - дейди Работ маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хўжам Худоёров. - Ҳудудимиздаги иккита ўрта таълим мактабларини таъмирлаш, маҳаллада истиқомат қилаётган олти нафар кам таъминланган оилани ижтимоий қўллаб-қувватлашда фермеримизнинг мурувватти қўл келаяпти.

Бундан ташқари, шу ҳудудда жойлашган меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам Н.Алланазаровдан миннатдорлар. Агар бу даргоҳ дастурхони ўтган йили 500 минг сўмлик гўшт ва сут маҳсулотлари билан безатилган бўлса, бу йил унинг ҳажми 660 минг сўмга чиқиши кузатилмоқда. Энг қизиғи, меҳр-мурувват кўрсатиш фермерга мажбурият эмас, бу «янги ўзбек»нинг қалб амри, холос.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

ОҚ ЙЎЛ «ОҚМАЧИТ»

Маҳаллалараро футбол мусобақаси уюштирилаётганлиги хўб яхши тадбир бўлди-да. Бундан, биринчидан, ёшларнинг бўш вақти фойдали ишга сафарбар қилинса, иккинчидан, уларнинг спортга қизиқиши, меҳр-муҳаббати янада кучаяди ва учинчидан, бу энг муҳими, ёш авлод спорт беллашувларида чиниқиб, тобланиб, жисмонан бақувват, баркамол бўлади.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги Оқмачит маҳалласи ўспиринлари ҳам кўп кунлик бу беллашувдан четда қолмадилар. Футбол бўйича мусобақада тумандаги 50 та маҳалладан 113 та команда қатнашди. Саралаш ўйинларидан сўнг 10 та команда қолиб, улар туман биринчилиги учун курашни давом эттирдилар. Уларнинг орасида «Оқмачит» жамоаси ҳам бор эди. Улар биронта ўйинда ҳам мағлубиятга учрамадилар ва даврани 8 маҳалла биринчилигининг ғолиби бўлди.

«Оқмачит» жамоаси футболчилари рақиблар дарвозасига 23 та тўп киритишиб, ўзлари 9 та тўп ўтказиб юбордилар. «Оқмачит» жамоасининг бундай муваффақиятга эришишида жамоа сардори Баҳром Муҳиддинов, дарвозабон Маҳмуд Шамсиддинов, ҳимоячи Шерзод Комилов, ярим ҳимоячи Асомиддин Низомиддинов ва бошқа ёш футболчиларнинг ғайрат ва шижоат билан ўйин кўрсатганликлари алоҳида рол ўйнади. Шу билан бирга Оқмачит маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Саъдулла Иброҳимов, жамоа мураббийси Зиёвуддин Низомиддинов ўз ишларига садоқат билан берилганликлари, ташкилотчиликлари ва масъулиятни чуқур ҳис этганликлари ҳам ёш футболчилар ғалабасига замин яратганлигини адолат юзасидан холисонилло таъкидлаб ўтиш зарур.

Кези келганда шуни айтиш лозимки «Оқмачит» командаси аъзолари туман чемпиони бўлишганликлари учун қимматбаҳо соврин ва I даражали диплом билан мукофотланганликларидан беҳад хурсанд бўлганликлари, лекин дипломдаги мақтов сўзлари давлат тилида, аниқроғи, ўз она тилларида ёзилмаганлигидан анча ўксиндилар.

Абдураим ОТАМЕТОВ.

Сурхондарё

Сурхондарё вилоятида ҳам маҳалла ўсмирлари ўртасидаги мусобақалар қизғин ўтди. Финалда Қумқўрғон тумани Дўстлик маҳалласи жамоаси билан Денов шаҳар Абдулла Набиев номли маҳалла ўсмир футболчилари куч синашишди ва Дўстлик ғолиб сифатида республика биринчилигига йўлланма олди. Улар Қаршида Қашқадарё, Самарканд вилоятлари ғолиблари билан куч синашишади.

Шунингдек, куни кеча Чирчиқда Тошкент вилояти ғолиби ҳам аниқланди.

Мухбиримиз.

Андижон

ПРОКУРОР ВА УНИНГ ФУТБОЛ ЖАМОАСИ

Туман прокурори Маъмуржон Кимсанов ёшлар тарбиясида ўзига хос услубдан фойдаланади

Тўхтовсиз ривожланишдаги жамиятда ҳамма нарса - яхшилик ҳам, салбий ҳолатлар ҳам бир хил ҳаракатда бўларкан. Мамлакатдаги мисли кўрилмаган тараққиёт билан бир қаторда жиноятчиликларнинг янги тур ва кўринишлари ҳам шаклланиб бораётганидан кўз юмиб бўлмайди. Улар сафида ёш авлоднинг пайдо бўлиб қолиши эса эл-юрт, давлат ва жамият учун кўнгилли ҳодиса эмас.

Пахтаобод туманилик маҳаллалар ёшларининг бошини қовуштириш, уларни фойдали юмушлар билан банд этиш борасида қайғуриб юрувчи туман прокурори Маъмуржон Кимсанов болалар орасида футбол жамоаси ташкил этишни ният қилди. Пахтаобод ҳокимлиги ҳамкорлигида ишлаб чиқилган соғлом авлод бўйича дастур асосида туман болалари футбол машғулотларига жалб этилдилар. Ҳокимлик ҳамда прокуратура ташаббуси билан тузилган болалар жамоаси бугунгача Ангрен, Андижон, Қорасув, Наманган шаҳарларида мусобақалар ўтказишга муваффақ бўлган. «Биз Президент фарзандларимиз» шиори остида ўтаётган ушбу беллашувларда маҳаллий аҳолини доғда қолдириб, пахтаободликлар ғалабани қўлга киритишган.

- Болаларни тўп суришга жалб этишдан икки мақсадни кўзлаганмиз, - дейди М.Кимсанов. - Спорт, биринчидан, болалар саломатлигини мустаҳкамласа, Ватанимиз шаънини ҳимоя қилувчи спортчиларни вояга етказса, бошқа жиҳатдан уларни ножўя кўчаларга кириб кетмаслигини таъминлайди. Соғлом турмуш тарзи эса айни вақтда ҳаммамизга сув билан ҳаводек зарур.

Кўриниб турибдики, халқни тўғри йўлга йўналтириш, ёшлар тарбияси билан шуғулланиш барчанинг - мутасадди ходиму жамоатчиликнинг бирдай вазифаси эканлигига иқрор бўлиш мумкин.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: Пахтаобод тумани прокурори ёш футболчилар билан.

Прокурор тузган жамоа.

Наманган

«ҒУНЧА» ФАРҒОНАГА БОРАДИ

Наманган маҳаллалари ўртасида «Футболимиз келажаги» шиори остида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви соврини учун ўтказилаётган беллашувларнинг вилоят босқичи ўз ниҳоясига етди.

4-5 август кунлари вилоят марказидаги «Спартак» ўйингоҳида бўлиб ўтган ҳал қилувчи учрашувларда Наманган шаҳрининг «Ғунча» маҳалласи чарм тўп усталари ҳам руҳан, ҳам жисмонан рақибларидан устун эканликларини кўрсатишиб, вилоят чемпиони деган номга сазовор бўлишди. Чортоқ ва Давлатобод туманларининг Навоий номли ҳамда Умид маҳаллалари футболчилари эса 2-3-ўрин билан кифояланишди.

Ғолиблар «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Энди «Ғунча»лик футболчилар 12-17 август кунлари Фарғонада ўтказиладиган навбатдаги босқич учрашувларида Андижон ва майдон эгаларининг ёш спортчиларига қарши майдонга тушадилар.

И.ЖУМАНАЗАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла Ёшлари Кўмори
ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ
2000

ФУТБОЛ БЎЙИЧА 14 ЁШГАЧА БЎЛГАН МАҲАЛЛА ЎСМИРЛАРИ ЎРТАСИДА «ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ» КУБОГИ ГУРУҲ ЎЙИНЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

13-17 август

I гуруҳ: Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Бухоро вилояти, Навоий вилояти
Ўтказиш жойи: **Бухоро шаҳри**

II гуруҳ: Андижон вилояти, Фарғона вилояти, Наманган вилояти
Ўтказиш жойи: **Фарғона шаҳри**

III гуруҳ: Сурхондарё вилояти, Қашқадарё вилояти, Самарқанд вилояти
Ўтказиш жойи: **Қарши шаҳри**

IV гуруҳ: Тошкент вилояти, Сирдарё вилояти, Жиззах вилояти, Тошкент шаҳри
Ўтказиш жойи: **Тошкент шаҳри**

● ИСТИҚЛОЛГА ТУҲФА

Кавсар ТУРДИЕВА

МАҲАЛЛАМИЗ КЎЧАЛАРИ

ВИЖДОН КЎЧАСИ

Кўчамга босганинг он
Сенда уйғонар виждон.
Менга қадам ташлайсан,
Сўнгра ўйлай бошлайсан,
Хафа қилган кишингни,
Қилган ёмон ишингни.
Ўтган бўлса айб, қусур
Бориб сўрайман узр.
Ҳатто оғир бўлса ҳам
Хатоларинг олгач тан,
Виждонингни созлайсан,
Сўнгра нафас ростлайсан.

ТИНЧЛИК КЎЧАСИ

Менда сира сўлмас гуллар,
Қушлар яйрар чаманда.
Қизлар эса қўғирчоғин -
Исмин қўяр Саманта.
Ватанимнинг барча-барча
Кўчасида ўзимман.
Номим Тинчлик бўлганидан
Мағрурдирман ўзим ҳам.
Тинчлик - ҳаёт пойдевори,
У орзу қай дилларда.
Шунинг учун такрор-такрор
Жаранглайди тилларда.

МЕҲМОНДЎСТ КЎЧАСИ

Дейман: ҳар бир инсонга
Кўниб кетинг меҳмонга.
Қулфсиз эшик, дарвоза
Шундан қилинг хулоса.
Бизда сизга ҳамма дўст
Барча-барча меҳмондўст.
Бисотида неки бор
Аямай сиздан зиҳор
Дастурхонга сочади,
Қалб қўрини очади.
Меҳмон доимо тўрда.
Ахир ҳурмати зўр-да.

ҚУЁШ КЎЧАСИ

Ҳар кун бизлар томонга
Қуёш тушар меҳмонга.
Унинг ёрқин нурлари,
Унинг узун қўллари.
Ҳар гиёҳга етади,
Силаб-сийпаб кетади.
Қишда олиб нурини,
Ташлаб кетар қўрини.
Кўрпаларнинг қатига,
Печкаларнинг ортига.
Кулиб турган юзларга
Қалбга, илиқ сўзларга.

● ТАРИХДАН ТАРИҚДЕК

А.ХАЙИТМЕТОВ

АСРЛАР ОШГАН ЎХШАШ АСАРЛАР

ёки ошиқлар ва энагалар

Шоирларнинг шеърий маҳорати кўп вақт ишқий кечинмалар тасвирида авжига чиқади, дейиш мумкин. Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» достонида (XIV аср охири ва XV аср боши) Зулайхо Юсуфни тушида кўриб севиб қолгани, бироқ кейинчалик Азизи Мисрга турмушга чиққандан сўнг уни чиндан ҳам учратгани, қул сифатида бозорда сотилаётганини кўриб юраги ачингани, уни қўлга киритиш йўлида бирдан-бир сирдоши, меҳрибон энагаси билан қандай маслаҳатлашгани жуда жонли ва ҳаққоний тасвирланган.

Зулайхо энагасига дейди:
Топди Зулайхо чу ўзидин хабар,
Деди энагасига: - «Ё бехабар!
Улки тушумга кириб эрди ниҳон,
Кўрдум ўшул ой юзини аён.
Ушбу қуликим, - сотадурлар бу дам, -
Жонима қўйғон эди минг-минг алам!»

Достондаги бундан кейин юз берган воқеалар ҳурматли китобхонларга маълум. Аммо мени қизиқтирган бошқа бир масала ҳам йўқ эмас. Орадан уч аср ўтиб, улуғ рус шоири А.С.Пушкин «Евгений Онегин» шеърий романини яратар экан, унда ҳам бош қаҳрамонлардан бири - Татяна билан энага можароси тасвирланган. Бунда ёш ва қувноқ, ўқимишли барно йигит - Онегинни Татяна севиб қолиб, унга мактуб ёзмоқчи бўлар экан, бу тўғрида биринчи навбатда энагаси билан сирлашади, унинг маслаҳатига, ёрдамига, ақлига суянмоқчи бўлади. Мана, уларнинг ўзаро эҳтиросли суҳбатлари (Ойбек таржимасида):

- Вах, эна! Сен менга бир мурувват қил!
- Ошғоним, рухсат эт, қилавер фармон!
- Ўйлама... тўғриси... гумон қилмагил!..
Лекин, кўрасан... «Йўқ!» - дема, Энажон!
- Дўстим, сен айтавер, Худойим кафил!
- Йўқса, набирангдан махфий юборгил -
Шу хатни ана у... элитсин О...га.

Татянанинг одамлар орасида гап-сўз бўлишини истамаган энага дейди:

- «Ёқимтойим, кимга берсин хатингни?
Шу кунларда миям айнагани чин.
Атрофда жуда кўп ҳамсоялар бор.
Уларни санашга менда йўқ мадор».

Татяна унинг аҳволини тушунишни истамаётган, нозик вақтда унга меҳрибонлик кўрсатмаётган энагасидан ўпкаланиб дейди:

- Мунчаям бераҳм бўлмасанг, Эна!
- Энг яқин сирдошим, энди қаридим.
Татяна зеҳним хит-ўтмас бўлмоқда.
Бир вақтлар ўтди-да, мен зийрак эдим...

Татяна билан энага орасидаги бу дўстона баҳс ва можарони биз Дурбек достонидаги Зулайхонинг энагаси билан суҳбати ва тортишувига қиёсласак, шу нарса аён бўладики, инсонлар қайси даврлатда яшаган бўлмасин, уларнинг ички дардлари, интилишлари, орзу-армонлари бир-бирига жуда яқин бўлган. Бу ўринда ўз қаҳрамонларининг ички дард, изтироблари драматик ҳолатларини тасвирлашда эса, орадан уч юз йил ўтган бўлишига қарамай, шоирлар бири иккинчисидан қолишмаган.

Сиз кўк жойни сипқориб тураверинг, мен бу ўлкалар тарихини бирма-бир сўзлаб бераверамен.

ШАРХЛОВЧИ МИНБАРИ

МИЛТИҚ КЎТАРГАН БОЛАЛАР

ОЛАМДА ГАП

Афғонистондаги уруш мавзуидаги кино ва ҳужжатли филмларда ҳали муйлаби сабза урмаган болаларнинг қўлида автомат кўтариб, ўлимнинг юзига тик боқиб, жангга киргани кўп кўрсатилади. Чеченистондаги можаролар намойиш этилаётганда ҳам шундай ҳолнинг гувоҳи бўламиз. Ҳали ҳақиқий ҳаёт остонасига қадам босишга улгурмаган ўсмирларнинг ўзи томон бостириб келаётган танк, жанговар машиналар сари дадил бориши, йўлларга мина кўмиши ва урушнинг бошқа «тадбирлари»ни амалга ошириши бу ўлкаларда одат тусига кирган. Фаластин болалари ҳам ўзларининг Афғонистон ёки Чеченистондаги тенгдошлари каби бугуни «ҳарб илми»ни янада мукаммалроқ эгаллашга ҳаракат қилаётир.

Фаластин болаларининг қўлга қурол олишга мажбур бўлгани бугун ёки кечанинг гапи эмас. 1948 йилда Исроил давлатини вужудга келтирган Араб-Исроил урушидан кейиноқ Фаластин ҳудудида ўсмирларни урушга тайёрловчи ҳарбий лагерлар пайдо бўлди. Фаластиннинг бугунги раҳбарияти орасида бундай лагерларда ўсиб-улғайганлар кўпчиликни ташкил этади. Фаластин мухторият мақомини олгач, бундай «ўқув курслари» сони янада кўпайди. Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг кучайиши ҳам шундай лагерлар сонини камайтирмади. Жумладан, тинчлик ўрнатиш жараёни 1993 йилда бошланган бўлса, ўша вақтдан буён Исроил истеҳкомларига уюштирилган ҳужумларда саксондан ортиқ одам ҳалок бўлди. Уларнинг асосий қисми ҳали она сути оғзидан кетмаган болалар эди.

Ёзги таътилда дунёнинг қарийб барча мамлакатларида мактаб ўқувчилари дам олади ё тирикчилик учун бирор иш билан машғул бўлади. Фаластинлик ўсмирлар учун эса ёзги таътил мактабларда ташкил этилган жанговар ва спесий тайёргарлик марказларида ўтади. Ўн ёш атрофидаги болалар «Калашников» автомати ёки Американинг «М-16» милтиғини бўлакларга бўлиш ва йиғишни мащқ қилиб, Араб-Исроил уруши ва Фаластиннинг истило қилиниши тарихини ўрганса, 17 ёшли ўспиринларга янада мураккаброқ вазифа қўйилади. Улар партизанлик уруши олиб бориш, душманни йўқ қилиш ёки асир олиш амалларини ўрганади. Шу тариқа ҳар ёзда лагерларда юзлаб ёш жангчилар тайёрланади.

Бугун мазкур муассасалар раҳбарияти болаларни Исроил билан бўлажак урушга тайёрлаётганини яширмаяпти ҳам. Чунки улар Исроил уруши муқаррар, деб билади. Уларнинг фикрича, Исроил ҳукумати ҳозирги сиёсатини давом эттирар экан, қуролли тўқнашув юз бериши аниқ.

Кемп-Дэвиддаги Фаластин-Исроил музокараларининг барбод бўлиши Фаластинда яна уруш кайфиятини қўзғади. Энди фаластинликлар ўз ватанини фақат уруш билангина озод қилиш мумкинлигига кўпроқ ишонмоқда. «Ҳизбуллоҳ» ва «Амал» ташкилотлари жангариларининг тинимсиз хуружлари Исроил қўшинининг Ливан жанубини тарк этишига олиб келгани Фаластин халқини ҳам руҳлантириб юборди. Бу уруш енгил кечмаслиги, узоққа чўзилиши ҳаммага маълум. Шу боис фаластинликлар фарзандларини имкон қадар мукаммал тайёрлашга уринятти. Фаластинликларнинг фикрича, Исроил билан партизанлик уруши олиб боришда улар учун қатор устунликлар бор. Улар ўз ерини, яширин йўллар ва тоғдаги ёлғизоёқ сўқмоқларни жуда яхши билади. Қаерга яширинниш, қаердан ҳужум қилиш, қаерга пистирма қўйиш керак, деган саволлар уларга қийинчилик туғдирмайди.

Умуман, ҳозир ёшларни «ҳарб илми»га ўргатиш дунёнинг кўплаб мамлакатларида йўлга қўйилган. Зеро, ёшлар жанговар бўлиш билан бирга, жисмонан бақувват ва соғлом вояга етади, ҳаёт қийинчиликларига кўникма ҳосил қилишда нисбатан камроқ қийналади. Бироқ номлари эслатиб ўтилган мамлакатларда болаларга бундай сабоқ беришдан мақсад ўзгача эканлиги кундай равшан. Улар аниқ бир мамлакат, маълум бир халққа қарши курашишга тайёрланмоқда. Жумладан, ўша Афғонистон ва Чеченистон, Фаластин болалари ҳам нима учун қурол ишлатишни ўрганаётганини жуда яхши билади. Улар сесканмай, эти жунжикмай одам ўлдиришни ўрганяпти.

Ватан озодлиги - буюк неъмат. Бунга эришиш учун катта-ю кичик ўз ҳиссасини қўшиши кераклиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Бироқ, нима бўлганда ҳам, катта ёшдаги одамларнинг сиёсий ўйинлари болаларни қўлга қурол олишга мажбур қилаётганини оқлаб ҳам, кечириб ҳам бўлмайди. Инсоният юксак тараққиёт сари одимлаётган бир пайтда болаларни қурол билан муомала қилишга эмас, тинч ҳаётда ўз ўрнини топишга, жамият тараққиётига ҳисса қўшишга ўргатилса, тўғрироқ ва фойдалироқ иш бўлади.

Анвар КАРИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Қўй (21.03-21.04). Ҳар соҳада илғорлик, ишга ижодий ёндошув ва бир озгина омад барча муаммоларингизнинг ижобий ҳал бўлишини таъминлайди. Фойдали амалий учрашувларда диққатингизни жамланг, таваккалчиликдан сақланинг.

Бузоқ (22.04-20.05). Унутилмас ёқимли лаҳзаларни ойлангиз, яқинларингиз қуршовида ўтказиш бахти сизни кутиб турибди, фурсатни бой бермасангиз бўлгани. Кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларда омад келиши мумкин. Афсуски, айрим «бузоқ»лар учун буларнинг нақ тескариси бўлиши мумкин.

Эгизаклар (22.05-21.06). Ҳафтангиз сафарлар, учрашувлар, танишувлар, хуллас, саргузаштларга бой бўлади. Сиздан талаб этиладигани: хушёроқ, эҳтиёткорроқ бўлиш. Токи ёлғон маълумотлар, пуч ваъдаларга ишониб, «чув» тушиб қолманг.

Қисқичбақа (22.06-22.07). Фақат моддий фойда кетидан қувиб узоққа бориб бўлмаслигини ҳали тушуниб етмаган бўлсангиз, эҳтиётроқ бўлинг. Ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар учун жуда маҳсулдор бўлган ҳафта, тижорат кишиларига кўпчилик «қисқичбақа»ларга хос бўлган қайсарлик, калта ўйлашлик ҳолатлари пайд бериб қўйиши мумкин.

Арслон (23.07-22.08). Бу ҳафтада ўзингизни кучга, ғайрат-шижоатга тўлиб тошгандек ҳис қиласиз. Шундайликка шундайку, лекин бунинг оқибатида шошма шошарлик, масъулиятсизлик қилиб қўйишингиз мумкин. Хуллас, бутун ғайратингизни амалий ишга сарф қилолсангиз, ҳафта ҳаётингизда ўчмас из қолдириб ўтади.

Паризод (23.08-22.09). Ҳафта ранг-баранг ҳиссиётларга тўла бўлиб, унинг гирдобига тушиб қолишдан, асабингизни зўриқишдан сақланг. Кутилмаганда сизга азият етказишлари мумкин, сиз буни ўткинчи ҳолат дея қабул қилинг. Қарабсизки, яна бир ҳафтага улгайганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз.

Тарози (23.09-22.10). Ҳафта сизни ўраб турган олам ва яқинларингиз билан муносабатларингизни силлиқлаштириб олиш учун қулай. Бунга эришсангиз, касбингиз, фаолиятингиз, ишингизда кўтаринкилик, янгиликлар яратиш, ишга ижодий ёндошувни таъминлаган бўласиз. Умуман, битмай ётган ишларни тугатиш фурсати етди.

Чаён (23.10-22.11). Соғлиғингиз, кайфиятингиз, куч-қувватингиз, жойида. Яқинларингиз, оила аъзоларингиз сизни ҳар қачонгидан ҳам ардоқламоқдалар. Бемалол амал поғоналаридан кўтарилишга киришсангиз бўлади. Бунинг яна бир фойдали томони бор: моддий аҳволингиз ҳам яхшиланади.

Ўқотар (23.11-21.12). Сизни хорижлик ҳамкорингиз амалий сафарга таклиф қилиши мумкин. Иккиланмай қўнаверинг, бошлаган ишларни муваффақиятли якунлашга айнан шу ҳафта жуда қулай.

Тоғ эчкиси (22.12-19.01). Тилла буюмни ишқорда синаганлари каби, бу ҳафта сизни турли муаммоларга дучор этиб, имтиҳон қилиши кутилмоқда. Кўпчилик «тоғ эчки»лари учун барча муаммолар ижобий якун топиши аниқ бўлса-да, айримлари учун... Афсуски, ҳаёт муаммоларини ечишда «шох тираб» иш юритиш доим ҳам ўзини оқлайвермайди.

Қовға (20.01-18.02). Сизга юкланган вазифаларни тезкорлик ва тадбиркорлик билан ҳал этишингиз атрофдагиларнинг сизга бўлган ҳурматини янада ошириб юборишн мумкин. Фаолиятингизлан хабардорлар фақат сиз билан ҳамкорлик қилишга интиладилар. Аммо бундай омаддан энтиқиб, соғлиғингиз ҳақида қайғуришни унутиб қўйманг.

Балиқ (19.02-20.03). Ҳафта тушунмовчилик, турли хавфли вазиятларга тўла бўлиши кутилмоқда. Бу ўринда сизга арзимас маслаҳат: кўнглингизни чўктирманг, сизнинг тиришқоқлик, ақл ва режа билан иш кўришингиз ҳар қандай нохуш вазиятда ҳам ғолиблик шоҳсупасида қолишингизни таъминлайди.

● ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

24. ЯХШИЛИКНИ ҚИЛГИНУ, УНУТ

Пайғамбаримиз Сарвари Олам саккиз сўзга урғу бериб, унга қулоқ солиб, амал қилган бандаларнинг қўлида саккиз жаннатнинг калити ҳозир бўлади дейдилар.

У сўзлардан бири шундай бўлган: «Сўзлаганда сўзингга эҳтиёт бўл», тилга эҳтиёт бўл. Худо бу нутқни баён этиб, сўзламоқни бутун жонзотлар ичида фақат инсонга насиб этди. Сўзлаш учун эса, биринчи галда инсонга ақл берди. Бу тил дегани ҳамма ҳайвонларда ҳам бор. Ҳар бир сўзни фаҳм, фаросат билан гапирсин, деб Аллоҳим инсонга ақлни берган.

Ҳазрати Луқмондан шогирдлари сўрашган экан: «Ҳазрат, сиз сўзлаганингизда одам ҳеч бир хато тополмайди. Бунчалар ширин ва ҳақ каломни кимдан ўргангансиз?»

Ҳазрат Луқмон: «Кўрлардан ўргандим», деган эканлар. Шогирдлари яна тушунмасдан, «Қандай қилиб сўзлашни кўрлардан ўргандингиз?», дейишганда, «Эътибор берганмисиз, кўрлар оёқ қўйишдан олдин, ҳассаси билан тимирскилаб, текшириб, кейин оёқ қўяди. Мен ҳам сўзлашдан олдин, ичимда гапириб кўраман, ўйлаб оламан. Гапимнинг кишига қандай таъсир этишини ўйлаб оламан. Сўнгра тилимга чиқараман», деб жавоб қилган эканлар.

Яна бир сўзлари шундай: «Таом еганда халқумга эҳтиёт бўлинг». Яъни овқат экан деб еб юбораверманг. Келтирган нарсани еявериш, бу биринчидан саломатликка зарар, иккинчидан Худо бу озуқадан қаноат, насл ажратади. Шунинг учун эҳтиёт бўлиб таомланиш зарур.

Энг аввало ҳаром таом билан ҳалол таомнинг фарқини билиш керак.

Пайғамбаримизнинг кейинги айтган сўзлари, «Қаерда бўлма, Худони унутма». Қайси ҳолатда бўлмасин, олдимизда одам борми, ҳеч ким йўқми, нима иш билан машғулмиз, бундан қатъи назар, Худо ёдингда турсин, деб уқтираяптилар. Аллоҳни эслаб турмоқлик, инсоннинг гуноҳларидан қайтариб туради. Бировга зулм қилмоқчи бўлган одам, Аллоҳни унутмай турган бўлса, «Эй, тўхта, Худо менга ҳам бундан баттар зулмини юбормасин», деб фикридан воз кечади. Худодан қўрқади. Агар Худони ёдида тутиб юрса, феъли ҳам покланиб бораверади. Бу дунё ҳаммаси сарҳисоблик. Ҳар кимнинг ўз қилмишига қараб жавоб-муомала бўлади. Баъзида инсоннинг ўз қилган гуноҳлари, гаплари эсидан чиқиб кетиб қолади. Боласидан озор етганда, «Эй Аллоҳимга нима гуноҳ қилувдимки, боламдан бундай озорлар кўряпман?» деб ўйлайди. Эсига келмайдики, ўзи ёшлигида ота-онасини қақшатган. Буни у эсидан чиқариб юборган. Бу - қайтар дунё.

Пайғамбаримиз навбатдаги сўзларида айтадиларки, «Ўлим ҳамма вақт ёдингда турсин». Ўлимни эслаган билан одам ўлиб қолмайди, умри узоқ бўлади. Ғафлат босиб, ўлимни эсдан чиқариб юрганлик яхши эмас. Ўлимни эслаб юрган одам камтарин, дийдаси майин, меҳрли бўлади. Аллоҳ бу дунёда ҳар биримизни ҳожатимизни бирбиримизга тушириб қўйган. Бу беш кунлик ғанимат дунёда мартабага, мансабга, давлатга ишониб қолиб, азиз инсоннинг дилини ранжитманг. Инсонга такаббурлик қилманг. Қош керманг. Ким билади, Аллоҳнинг иродаси билан, дилига озор берган одамингиз вақти келиб тобутингизни кўтарар. Бир қултум охирги сув ўша одамдан насиб этар. Бу дунёда Аллоҳ кимни-кимга муҳтож қилиб қўяди, билмаймиз. Халқимизда бир чиройли ҳикмат бор, «Тўқ бўлсанг, мозорга бор, оч бўлсанг бозорга бор», деган. Тўйиб, кўзларини ёғ босиб кетган одам мозор айланса, ўлганларни зиёрат қилса, дўппайиб турган гўрларнинг ичида не-не инсонлар, пул топиб, пулдан от қилиб минганлару, гадолар билан фақирлару, бойваччалар шу жойда ётганини кўриб, кўзининг ёғлари эриб, шикаста қалб бўлиб қолади.

Кейинги насиҳатлари шундай: «Бировдан жафо кўрсангиз, узр айтса кечиринг». «Йўқ, тўхта мен сендан қасдимни олмасам, қўймайман», деб юрманг, деяптилар Сарвари олам. Саҳобаи киромлар бир куни пайғамбаримиздан сўрашган экан, «Ё Расулуллоҳ, пайғамбарларнинг жаннатда ўрни бошқа, мақоми бошқа бўлар экан, нима амалларни бажарсак, биз сизга яқин бўламиз?» - деб. Шунда пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи вассаллам деган эканлар: «Менинг битта хулқим бор, кимки агар мана шунга амал қилса, мен билан жаннатда бирга бўлади», деганларида саҳобалар яна сўрашган экан, «Эй, Аллоҳнинг Расули, бу қанақа хулқ? Айтинг биз ҳам унга амал қилишга ҳаракат қилайлик». Шунда Пайғамбаримиз: «Жафо қилганга яхшилик қилиш. Менга ким ёмонлик қилган бўлса, қўлимдан келганча яхшилик қилдим. Қасд олмаган, адоват сақламаган умматим мен билан жаннатда бирга бўлади», деган эканлар.

Пайғамбаримиз яна бир сўзларида тайинлайдиларки, «Бировга яхшилик қилсанг, уни унут». Яъни бировга қандай яхшилик қилишингдан қатъи назар, ҳаммага гапириб, мақтаниб юрма. Яхшилик қилган одамингдан камдан-кам яхшилик қайтади. Худо бу яхшиликларингни бошқалар орқали қайтаради. Аллоҳ билиб, кўриб турибди-ку, бир кишига яхшилик қилганингни, у одам билсабилар, билмаса йўқ. Аллоҳ сенга яхшилигингни ўн баробар қилиб бошқа одам орқали қайтартиради. Лекин қилинган яхшиликларни миннат қилиб, гапириб юришлик билан унинг савобини йўқ қилиш мумкин. Бу билан бошқа жойдан қайтадиган яхшилик ҳам йўқ қилинади. Шунинг учун биров ёмонлик қилган бўлса ҳам унутинг. «Фисабилиллоҳ, яхшилик қилувдим, ажри савобларини ўзинг бергин, Аллоҳим, десангиз, Аллоҳ таоло Эгам бунинг савобларини сиз кутмаган, ўйламаган жойлардан етказади.

Пайғамбаримиз айтган сўзларга амал қилишликни насибу рўз айласин!

ДИЛ ТУБИДАГИ МУНГ

ХОТИРА

1979 йил 11 август.

Ўша куни телевидение сухандонининг фақат бир оғиз сўзи орқалигина ифода этилган катта фожеани олдиндан эшитиб карахт эди бутун Ўзбекистон.

Ахборот воситаларида қандай қилиб бу фожеани эълон қилиш ҳақида бош қотирилаётган пайтда (чунки бундай фожеаларни халқдан яшириш советлар мамлакати раҳбарларининг одати эди. Лекин уни яширишнинг иложи йўқ, унда бутун дунё танийдиган футбол жамоаси ҳалок бўлган эди) Ўзбекистоннинг энг чет қишлоғида яшайдиганлар ҳам кўзларида ёш билан нега, қандай қилиб деган саволлар билан ўз қалбларини қийнар эди. Ҳа, фожеа рост эди. Фожеани ҳукумат самолёт ҳалокатга учрагани ва «Пахтакор» футбол жамоаси ҳам шу самолётда бор эканлиги ҳақидаги икки оғиз сўз билан кечикиб эълон қилди. Эълон қилди. Ўзбекистон фахри бўлган, шу кундан эса армони бўлиб қолган жамоанинг фожеаси сабаби ҳукумат сири сифатида қоларди.

Одатда самолётнинг ҳаводаги фалокати сабаби кўпроқ унинг техник носозлигига боғланади. Шу боис «Пахтакор» фожеасини ҳам халқимиз шундай бахтсиз тасодифга йўйиб юрган бўлса ажаб эмас...

Ўшанда биз талабалар эдик. Биздан «Пахтакор»нинг тақдирига боғлиқ ҳеч бир ҳолат узоқда қолмасди. Шу йили «Пахтакор» юқори ўринларда борар эди. Бу албатта собиқ СССР футбол мутасаддилари учун кутилмаган ҳолат бўлса-да, Ўзбекистон футбол мактабларида етишиб чиқаётган футбол юлдузларининг нишона бера бошлагани ўзбекистонликларга аён эди. Ҳа, «Пахтакор»да

кўтарилиш бошланганди. Ҳар бир ўйин, ҳар бир ҳаракат диққатимизда. Лекин шундай пайтда машъум хабар. Фожеанинг нечанчи кунидир, эсимда йўқ, марҳум «Пахтакор»чилар хоки Тошкентга олиб келинди. Аэропортга яқин бўлган кўчалардан бирида йирик корхонада ёзги таътилда меҳнат қилардик. Унинг деворларидан сакраб чиқиб, севимли футболчиларимизнинг ўйинини эмас, тобутларини қатор-қатор олиб ўтилишини кўзда ёш билан кўриб турдик. Уларнинг қавм-қариндошларига қўшилиб... Ўшанда биз мухлислар севимли жамоамиз фожеаси сабаби ҳақида ҳеч нарса билмас эдик. Ўша давр ҳукумати эса аксинча, халқимизни янада авраб бу воқеадан сўнг ҳам ўзларича ҳаётбахш тадбирлар ўйлашди. Беш-ўн кун ичида собиқ совет жамоаларидан йиғиб «Пахтакор» тузиб, учрашувга учириб юборишди. Янги тузилган жамоанинг Тошкентдаги дастлабки ўйинида стадионга йиғилганларни мен ҳечам футбол томоша қилганига ишонмайман. Улар ўз севимли ўйинчиларини хотирлаш учун келган эди.

Йиллар ўтди. Собиқ ҳукумат раҳбарлари тузган ўйинчилар ҳам вазифасини «бажариб» кетишди. Аммо Ўзбекистоннинг ўзидан марҳум футболчиларнинг ҳақиқий издошлари етишиб чиқди. Собиқ СССР чемпионатида бу футболчилар муваффақиятли иштирок этишди. Шундай ўйинлардан бирида журналистлар ўтирадиган секторда бир пайтлар марҳум футболчилар билан муваффақиятли тўп сурган Василис Хожипанакис билан ёнма-ён ўтирдик. Ҳаммага маълумки, «Пахтакор» фожеасидан бир мунча муддат олдин у бошқа мамлакатга яшаш учун кетган эди. Кўпчилик уни яна Ўзбекистон заминида қутлади, бирга суратларга тушишди. Лекин унинг юрагига ҳеч нарса сиғмасди. У бу стадионга суратга тушишга эмас, ҳатто бўлаётган ўйинни кўришга ҳам эмас, бир майдонда тўп сурган, ҳатто баъзилари билан ёшлигидан тўп тепишиб ўсган қадрдонлари хотирасини қалбида тиклаш учун майдонга келган эди. Мен сезиб турдим, аввал у ич-ичидан, сўнг эса, кўзларида ёш билан ошкора йиғлади. У шу ерда собиқ жамоадошларини эслатувчи таниш дўстларни кўриб... Бу ҳолатни узоқ кузатиш мумкин эмасди. Ўйинга чалғимоқчи бўлиб, ўйинга диққатимни бердим. Лекин кўп ўтмай яна унга, Хожипанакис ўтирган ўринга боқдим. Бу ўрин бўш эди. Унинг ҳам ортиқча ўтиришга кучи етмаган эди...

Чори ЛАТИПОВ.

Юсуф ТОВАСЛИЙ

● ХАЗИНА

ҲАЖГА БОРГАН СУТЧИНИНГ БОШИДАН КЕЧИРГАНЛАРИ

У замонларда тайёралар йўқ эди. Ҳажга борувчиларнинг кўпчилиги кемаларда, денгиз йўли билан борганлар. Бир сутчи ҳам ҳажга боришни ният қилди. Кемага ўтириб Маккага йўл олди. Кема анчагина юрганидан сўнг денгиз ўртасига етганида кема саҳнида бир маймун пайдо бўлиб қолди. Кема устида, очиқ саҳнда юрган бу ҳажга борувчининг пул солинган киссасини маймун олиб қочди ва кеманинг энг тик елкан тиргагига тирмашиб чиқиб кетди. Киссасини олдириб қўйган одам дод солди, пулсиз нима қиламан, ҳажга қандай бораман, деб фарёд чекди.

Маймун тиргак учига чиқиб ўтириб олди. Киссани очиб ичидан олтин чиқарди, кейин олтин тангага одам қарагандай қараб томоша қилди-да денгизга отди. Сўнгра яна битта олтин олиб, ҳалигидай томоша қилиб, унга тикилиб нима қилишини билмай ҳайрон турган ул одамга отиб юборди. Шундай қилиб маймун олтинларнинг бирини денгизга, бирини киссасини олдирган одамга отаверди.

Ул одамнинг ҳаяжондан ўлишига бир баҳя қолди. Унга айтдиларки:

- Ажаб иш! Бу кемада буюк бир олим бор. Кел, бу масалани ундан сўрайлик, бу қандай иш экан!

Бориб, у олимга бўлган ишни тушунтирдилар. Ул олим:

- Сен нима иш қиласан? - деб сўради. Ул одам:

- Сутчилик қиламан, - деди. Олим:

- Сутга сув қўшармидинг, - деди. Ул одам:

- Баъзан сут оз бўлганида қўшар эдим, - деди.

Олим:

- Тушунарли, денгизга отилгани сув пули, сенга отилгани сут пули, - деди.

КЕЛИНЧАКЛИК ЛИБОСИНИ СОТГАН АЁЛ ВА ИМОМ АЪЗАМ

Куфа шаҳрида тужжорлик қилаётган Имом Аъзамнинг дўконига қўлида тугунча кўтарган аёл келди ва тугунчадан ипак кўйлак олиб, сотмоқчи эканини айтди.

Имом Аъзам бирор нарса демасидан ул аёл бу кўйлакни «юз динорга сотаман» деди. Имом Аъзам:

- Бу кўйлак юз динордан қимматроқ туради, хоним, кам сўраяпсиз, - деди.

Аёл:

- Менга юз динор етади, - деб айтди.

Имом Аъзам Ҳазратлари:

- Юз динордан қиммат туради, - деган эди, аёл:

- Бўлмаса икки юз динор беринг, - деди.

Имом Аъзам Ҳазратлари:

- Бу кўйлагингизнинг қиммати икки юз динордан ортиқ. Кўпроқ сўрасангиз бўлади, - деб айтди.

Аёл:

- Устимдан куляпсизми? Мен юз динорга сотишга розиман. Сиз шунча пул берсангиз бўлади, - деди.

Имом Аъзам Ҳазратлари:

- Хоним, агар мен сизнинг соддалигингиздан фойдаланиб бу кўйлакни ўз қимматидан арзонга олсам эртага Аллоҳ мендан сўрайди. Суюкли Пайғамбаримиз (А.С.): «Мусулмонни алдаган биздан эмасдир, яъни мусулмонлар билан алоқаси узулгандир» - деганлар. Бу Муҳаммад билан ҳам алоқаси узилган демакдир.

- Бўлмаса, афандим, тўрт юз динор берингда, кўйлакни олақолинг. Мени кўп овора қилманг.

...Аёл бу кўйлакнинг нархини бошқа савдогарлардан сўраб кўрди. Улар беш юз динор туради, дейишди. Аёл қайтиб келиб Ҳазрат имом Аъзамга бу гапни айтди. Имом Аъзам Ҳазратлари ул хотиндан кўйлакни беш юз динорга сотиб олди. Аёл пулларни санаб олар экан, кўз ёшларини тўхтата олмас эди. Аёл бу ҳақиқатни гапирди:

- Афандим, мен Сизга тушунтириб берай. Бу кўйлак менинг келинчаклик кўйлагимдир. Ўйда бундан бошқа сотиб овқат оладиган нарсам йўқ. Ҳамма нарсани сотдим. Охири бу кўйлакни ҳам сотишга мажбур бўлдим. Етим болаларим икки кундан бери очдирлар. Агар бу кўйлакнинг шунча пул туришини билганимда, аввалроқ сотар эдим. Бу катта пул, бизнинг анчагина мушкулимизни осон қилади. Рўзғоримизни тебратиб туради. Аллоҳ Сиздан рози бўлсин, - деб дуо қилди. Аёлнинг аҳволини тушунган имом Аъзам ҳазратлари беш юз олтинни бергандан сўнг кўйлакни ҳам аёлга ҳадя қилиб қайтариб бердилар.

М. ҚУРБОНОВА тўплади.

*** Меҳрибонлик фақат инсонни эмас, ҳатто ҳайвонни ҳам ром қилади.**

*** Икки нарса фойдасиз: ҳикматсиз сўз ва тафаккурсиз сукут.**

*** Сергаплик ўз душманингдир, чунки у сенинг айбларингни ошкор этади, душманингни эса жойидан қўзғотади.**

*** Қаноатли кишининг ҳамиша қорни тўқ.**

*** Одамни унда йўқ сифатлар билан мақташ, уни таҳқир этишдир.**

*** Керагидан ортиқ қидирган одам боридан ҳам айрилади.**

*** Истеъдод эгасини тарбиясиз қолдирмоқ зулмдир. Истеъдодсиз кишини тарбиялаш эса умрни зое ўтказишдир.**

*** Сабабсиз кулги - беодоблик белгиси.**

*** Ота-онаси ўлган одамни эмас, одоб-ахлоқи бўлмаган одамни етим, денг.**

*** Одамнинг ўзини мақташидан кўра ёмонроқ айби йўқ. Агар унинг сўзлари рост бўлса, мақтанган бўлади, ёлғон бўлса обрўси кетади.**

*** Ёлғон ваъда бериш бекорга душман орттиришдир.**

*** Жавобга шошилган киши хатога йўл қўяди.**

*** Мол-дунёга бўлган ташналик сувга бўлган ташналикдан даҳшатлироқдир.**

● ТАНҚИД

БОШИ ҲАМ ОХИРИ ҲАМ БЕРК КЎЧА

Ҳурматли таҳририят! Газетанинг 1998 йил 26 сентябр сонида камина имзоси билан «Кўча қачон очилади?» сарлавҳали танқидий мақола босилганди. Унда Жиззах шаҳридаги Хайрабод маҳалласида жойлашган Янги ҳаёт кўчасининг икки боши шу кўчада яшовчи айрим фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан беркитиб қўйилганлиги, бу эса маҳалла аҳолиси учун кўпгина қийинчиликлар туғдираётганлиги айтилганди. Мақолада мутасадди раҳбарлар Янги ҳаёт кўчаси аҳолисининг кўчани очиб бериш ҳақидаги ариза ва шикоятларини кўриб чиқиб, ҳал этишга эътиборсизлик билан қараб келаётганликлари таъкидланганди.

Аммо, афсуски, ноқонуний беркитилган Янги ҳаёт кўчасининг икки бошини очиб бериш масаласи ижобий ҳал этилмай келмоқда.

А.ИМОМОВ.

Таҳририятдан: Одатда «боши берк кўча» ибораси бўларди. Бунда албатта бир томони берк (тупик) кўчалар назарда тутилади. Аммо икки боши ҳам берк кўчани нима деб аташ мумкин. Бундай атамани балки неча йиллардан бери шундай ҳолга йўл қўйиб келаётган Жиззах шаҳар раҳбарлари топиб қўйишгандир?!

● ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Инсон миясининг вазн ва ҳажмини аниқлаган олимлар, ўз навбатида ақлнинг ҳам ўлчовини белгилашга аҳд қилишди. Лекин бундай ўлчов қай усулда аниқланади? Бунинг учун психолог-руҳшунос олимлар бир нечта жумбоқли саволлар ўйлаб топишди. Айнан шу жумбоқларга топилган жавоблар натижасида инсоннинг интеллект коэффициенти (IQ ай-кью) ҳақида баъзи хулосалар чиқарса бўларкан.

АҚЛНИНГ ОҒИРЛИГИ ҚАНЧА?

1. Сиз ухлашга кечки соат саккизда ётаётиб, қўнғироқли соатни бураб қўйдингиз. Соат тўққизда уйғонасиз. Шунда сиз қанча вақт ухлаган бўласиз?

2. Ҳиндистонда Янги йил борми?

3. Қоронғи хонага гугурт қутиси билан кирасиз. Бу хонада шам, керосинли чироқ ва печка турибди. Қайси нарсани биринчи бўлиб ёқасиз?

4. 81 ёшга тўлган кишининг туғилган куни нечта?

5. Шифокор сизга учта таблетка ёзиб берди. Уларни сиз ҳар ярим соатда қабул қилишингиз керак? Бунга қанча вақт керак?

6. Бир кимса тўрт деворлик уйда яшайди. Ҳар деворда битталан дераза бўлиб, уларнинг барчаси жануб томонга қарайди. Кутилмаганда, уйга айиқ яқинлашди. Унинг ранги қайси тусда?

7. Чорвадорнинг ўн еттита қўйи бор эди. Уларнинг ҳаммаси, тўққизта қўйдан ташқариси ўлиб қолибди. Қанча қўй қолган?

8. Сен менинг ўғлимсан, лекин мен сенинг отанг эмасман. Бу гапни ким айтиши мумкин?

9. Бир эркак ўз бева аёлининг синглисига уйлана оладими?

10. Қалам ва қоғозсиз ушбу масалани ечинг: 30 ни 0,5 га бўлиб, чиққан рақамга 10 сонини қўшинг. Қандай рақам ҳосил бўлади?

Юқоридаги ярим ҳазил-жумбоқларни тузган олимларнинг уқтиришича, барча саволларга жавоб топганлар ўта интеллектуал, 2 та хато қилганлар ҳар ҳолда фикрловчи кишилар, 4 та хато қолганлар - ўртача меъёрдаги даражали кишилар. 7 та хато - бошингиз энг кучли аъзолардан эмаслигидан, 10 хато эса бош ҳар ҳолда телпак кийиб юриш учун ярайдиган аъзолигидан дарак берар экан.

Жавобларини текшириб кўринг:
1. Бир соат. 2. Бор. 3. Гугуртни. 4. Битта. 5 бир соат. 6. Айиқнинг рангини оқтроқ, чунки ўн иккинчи кўтаётган жойнатган. 7. Тўқкизта. 8. Онаси. 9. Йўқ, чунки унинг ўзи хаёт эмас. 10. Етмиш рақами.

Наманган

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА МАҲАЛЛА

Косонсой туманидаги «Садача» маҳалласида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларнинг 20 нафар фарзандлари куни кеча тумандаги «Ёшлик» оромгоҳига жўнаб кетдилар.

— Бунинг учун туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси раиси А. Жалоловга минг раҳмат, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Ҳасанов. — Уюшма илтимосимизни ерга қолдирмай 200 минг сўмлик йўлланмаларни имтиёзли тарзда ажратиб берди.

Биз келгусида ҳам бундай ҳамкорликни давом эттириш тўғрисида келишиб олдик.

И. ЖУМАНАЗАРОВ.

ТЕЛЕФОН СЎРОВИ

(«Мулоқот»дан кетиб «Гулистон»га юз бурган Маҳкам Маҳмудга ҳазил шеър)

Телефон жиринг-жиринг:
- Алло, бу ким?
- Оқ теракми, кўк терак
Сизга ўзи ким керак?
- Маҳкам энди маҳкам эмас,
Сал-палгина бўш экан.
«Гулистон»дан топасиз,
«Мулоқот»дан бўшаган.
Телефон яна жиринг:
- Маҳкам Маҳмудга беринг.
- Маҳкам ҳозир «Гулистон»га гул тергани,
Хотинига жарақ-жарақ пул бергани,
Ўтиб кетган, билмайсизми, анча бўлди.

Телефон жиринг-жиринг:
- Ҳеч бўлмаса телефонини беринг?
- Коммутатор эмасман ахир,
Телефони ёдимда йўқ.
Лекин аниқ биламан,
Ишга ҳали келгани йўқ.
Тушдан кейин бўлади,
Бунга менинг кўнглим тўқ.
Телефон жиринг-жиринг:
- Маҳкам Маҳмудни беринг!
Мақолам не бўлдийкин?
Тақдирин билмоқчиман.
Чўнтакда йўқ муллажиринг,
Ё қарз сўраб олмоқчиман.
Ҳар кимки, ҳар иш билан,
Минг бир ташвиш билан,
Маҳкамжонни излашар,
Иш биттунча «сиз»лашар.
Гоҳо жиз-биз қилишиб,
Ўзларича сийлашар.
Маҳкамжон дилкаш одам,
Ўзининг иши қолиб
Бошқаларчун югурар.
Оёқлари чарчамас,
Пойафзал ҳам чидамас.
Депутат ё вазир эмас,
Ўзи оддий бир инсон.
Тушида ҳам, ўнгида ҳам
Озод, ҳур Ўзбекистон.
Телефон жиринг-жиринг:
- Фақат битта илтимос,
Маҳкам Маҳмудни беринг!
- Сим қоққан ким, аёлларми,
Ё шоир - сўз заргари.
Э, Маҳкамжон омон бўлсин,
Унинг ҳам бор раҳбари.
Тилаб Маҳмуд қаламида,
Оқар дарё тўхтамас,
Ишда борми, йўқми дея
Маҳкамжонни тергамас.
Чечакка бой «Гулистон»,
Ўз вақтида чиқса бас.
Телефон яна жиринг:
- Лаббай, тағин ким бўлди?
Ҳазилу рост шеър ёзган,
Нормўмин Очил бўлди.

Нормўмин ОЧИЛОВ.

— Бир тўйим бор эди, хизмат қилиб берсангиз.
— 250 доллар бўлади.
— Ия, унда инглизча қўшиқ эшитар эканмизда.

А. ҲАКИМОВ чизган расм.

Мусаввир Х. СОДИКОВ.

MAHALLA га
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри
обуна бўлиш учун ҳеч қачон кеч бўлмайди.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи:
Музаффар НОРМАТОВ
Саҳифаловчи:
А. ЮЛДАШЕВ

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-640
Топширилди—20.30